

Илму адабиёт осмонида хар бир буюк шоир ва етук олим бир порлок юлдуз бўлса, шубхасиз, Захириддин Мухаммад Бобур ва унинг фарзандлари, яъни кўрагонийлар ё бобурийлар сулоласи бир кахкашондир. Хиндистоннинг машхур сиёсатчиси ва тарихчиси Жавохирлаъл Нерунинг айтишича: «Бобур санъат ва адабиётнинг улкан хомийси, бобурийлар саройи жуда шукухли, бой ва мисли кўрилмаган сарой эди».

Албатта, бундай сарой ва бундай маданият ўзидан-ўзи курилмайди. Шох ва шахзодалар олим, шоир ва маданиятли кишилар бўлмасалар, илму маданият ривожига у кадар парво килмасликлари мумкин. Аммо Бобур, унинг тўрт ўгли ва бир кизи — Хумоюн, Комрон, Аскарый, Хиндол ва Гулбадан бегим ҳам тарихда чукур из колдирган шоир, тарихчи, илму санъатни яхши ўрганиб, ўзлаштирган кишилар эдилар. Улардан бўлган фарзандларнинг барчаси ҳам ота-боболарининг изидан бориб, атокли шоир, адиб ва олимлар сифатида илму санъат ривожига катта хисса қўшиб келдилар.

«Бобурнома»да ёзилишича, Бобур ўз фарзандларининг таълим-тарбияси хакида хамиша ўйлаб, уларни ўқиш ва ўрганишга тарғиб килар экан. У «Мубаййин» рисоласини Хумоюн ва Комронга диний масалаларни ўргатиш учун назмда ёзади. Бобурнинг Хумоюн ва Комронга ёзган мактублари ҳам шу мавзуга каратилган. Масалан, у Комронга ёзган мактубида бундай дейди: «Фарзанди аршад ва аржуманди саодатнишон Мухаммад Комрон Мирзо баходирга саломи мухаббат анжомидан сўнг улким, кўкалтош ва ичкиларинг била сабак ўқурга ружуъ келтуруб эрмишсен. Бу жихаттин кўнгулга сурур ва хотирга хузур етиб на бисёр хушхоллик юз берди. Тангри таоло даргоҳидин умидим борким, жамиъи қобилият ва салоҳият бобида комил ва мукаммал бўлуб камолга етгайсен».

Хумоюнга ёзган мактубидан: «Яна мен дегандек бу хатларингни битибсен ва ўкумайсен, не учунким, агар ўқур хаёл килсанг эди, ўқий олмас эдинг. Ўқий олмагандин сўнг албатта тагир берур эдинг. Хатингни худ ташвиш била ўқиса бўладур, вале асру муглакур... Хатингни худ хар тавр килиб ўқуса бўлодур, вале бу муглак алфозингдин максуд тамом мафхум бўлмайдур. Голибан хат битурда кохиллигинг ҳам ушбу жихаттиндур. Такаллуф килай дейсен, ул жихаттин муглак бўладур. Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била битий. Хам сенга ташвиш озрок бўлур ва хам ўкувгучига...».

Кўрииб турибдики, Бобур фарзандларининг диёнатли, илм-фазилатли бўлиб ўсиши учун уларга китоб танлаб юбориш, уларнинг ўрганиши учун китоблар ёзишни оталик ва подшоҳлик бурчи деб хисоблаган, уларни ўқиш-ўрганишга тарғиб килиб, имло ва иншо хатоларини тўгрилаб беҳато, содда, равон ва бетакаллуф ёзишга чорлаган.

Албатта, Бобурнинг бундай саъй-харакатлари зое кетмади. Унинг тўртала ўгли, кизи, набиралари ва уларнинг фарзандлари илму санъат, шеър адабиётда ном қозондилар. Кўрагонийлар ё бобурийлар сулоласидан кўп сохибдегон шоирлар, тарихчилар, факихлар, диний ва дунёвий олимларнинг исмини тазкиралардан келтириш мумкин. Уларнинг хаммасини тилга олиб ўтиш ё улар хакида бир-икки огиз сўз айтиш анча вақт талаб килади. Бу ҳақда хаттоки китоблар ёзиш ҳам мумкин. Биз бу ўринда Бобурнинг фақат шоир ва тарихчи фарзандлари хакида сўз юритиб, улар асарларидан бир-икки мисол келтириб ўтамыз.

Бобурнинг тўнгич ўгли Носируддин Мухаммад Хумоюн 913 (1507) йили зулкаъда ойининг тўртинчи кечаси Кобулда тугилди. Онаси Мохим бегим Султон Хусайн Бойкаро

Бобур оиласида фарзанд тарбияси

Муаллиф:

26.10.2013 14:34 -

хонадонига якин бир бекнинг кизи эди. Хумоюн Мирзо отаси вафот этгандан сўнг Дехли тахтига эга бўлиб, 26 йил подшоҳлик даврини суриб, 963(1556) йили раби ул-аввал ойининг 14чисида Дехлида оламдан кўз юмди.

Хумоюн Мирзо ҳам отасидек истеъдодли шоир эди. Подшоҳлик юмушлари, ички ва ташки душманлар, яъни укалари ва лўдийлар билан тўхтовсиз олиб борган жанглари сабабли шеър ёзишга кўп вақт тополмаси ҳам, ундан бир канча газаллар, рубоийлар, китъалар ва бошқа шеърини парчалардан иборат (асосан форсийда) бўлган бир девон колди. Бу девон доктор Ходий Хасаннинг тасхих ва ихтимоми билан Хиндистонда босилиб чиқди. Бу девондан бир канча шеърини намуналар тазкираларда ҳам келтирилган.

Хумоюн Мирзонинг каломидан намуналар:

Хардам зи фироки ту малолест маро,
Хар рўз зи хижрони ту солест маро,
Холест ба гурбатамки натвон гуфтан,
Субхоноллох, гариб холест маро.

(Мазмуни: Хар дам фирокингдан кайгураман, хар кун хижронингда бир йилдек ўтади. Гурбатдаги хол-ахволимни айтолмайман, Субхоноллох, гариб холим бор.)

Эй, манзили мохи аломат авжи Сурайё,
Рўйи зафар аз ойинаи тиги ту пайдо.

(Мазмуни: Эй, байрогинг жойи Сурайё авжидадир, тигинг кўзгусида зафар намоёндыр.)

Менки булбулдек гулидин куймишам оханг ила,
Ўт солибтур жонима рухсораи гулранг ила.

Хумоюн Мирзонинг асарлари хали тўла топилган эмас. Масалан, яқинда биз унинг икки байт шеърини Содикий Китобдорнинг «Мажма ул-хавос» тазкирасида учратдик. Мана, ўша байтлар:

Гарийблиг гамидин меҳнату малолим бор,
Бу гамдин ўлмака етдим, гарийб холим бор.

Висоли давлатидин айрилиб не-не маҳзун,
Тирикмену бу тирикликдин инфилолим бор.

Бобурнинг иккинчи ўгли Мухаммад Комрон Мирзо 914(1508) йили тугилди. Унинг онаси Гулрух бегим туркман уругига мансуб бўлган бекчиқ амирларидан бирининг кизи эди. Комрон Мирзо отаси хаётлигида Кандахор ва Кобулда хукмрон эди, Хумоюн Мирзо тахтга ўтиргач, Панжоб вилоятини ҳам унга инъом этди. Кўп вақт ўтмай ога-инилар орасида келишмовчиликлар ва низолар пайдо бўлиб, Хумоюн Мирзо Эронга қочишга мажбур бўлади ва Комрон Мирзо Афғонистон худудида ўзини подшоҳ деб эълон қилади. Хумоюн тахтни кайтариб олгач, 960(1553) йили Комрон Мирзонинг кўзига мил тортилади. Сўнг у хаж зиёратини ният қилиб Хижозга равона бўлади. Уч маротаба хаж

Муаллиф:

26.10.2013 14:34 -

килиб, тўртинчи йили хаж маросимини адо этаётганда Арофатда 964(1557) йили зулхижжа ойининг 15инчисида вафот этиб, Муалло кабристонида Хадичаи Кубро мозори якинида дафн этилади.

Комрон Мирзо ажойиб истеъдодли, ширинкалом, дарвешмаслак шоир эди. Ундан ўзбек ва дарий тилларида яратилган жозибали газал, рубоий, китъа, маснавий ва фардлардан иборат тўлик девон колган. Бу девоннинг форсча шеърларини Мухаммад Махфузулхак Хиндистонда ва ўзбекча шеърларини Саидбек Хасан Ўзбекистонда эълон килдилар. Комрон Мирзонинг тўлик илмий-танкидий девони хамда хаёти ва ижоди хакида муфассал тадқиқот ушбу макола муаллифи томонидан 1999 йили амалга оширилган. Яна бир муҳим жихатни кайд этиш керакки, Бобур фарзандларидан Комрон Мирзогина отаси изидан бориб, асосан, ўзбек тилида шеърлар ёзди. Холбуки, Бобурдан кейинги наслар кўпроқ форс тилида ёзиб форс тили ривожига хизмат килдилар. Комрон Мирзонинг шеърларидан бир намуна келтирамиз (хафталигимизда Комрон Мирзонинг айрим асарларини эълон килганмиз — ред.):

Ахбобка хуштурур рафик ўлса киши,
Имдод ила хомий тарик ўлса киши,
Ислом элига жон била тарвих килиб,
Бир-бирга бу беш кун шафик ўлса киши.

Аскарый Мирзо Комрон Мирзонинг тугишган иниси бўлиб, 922(1517) йили Кобулда дунёга келган. Хумоюн Мирзо тахтга ўтиргач, Сунбул вилоятини унга инъом килди, аммо Аскарый Мирзо акаси Комрон Мирзо билан кўшилиб, Хумоюнга қарши исён кўтарди. Кийинчиликларга дуч келиб, 961(1554) йили хаж нияти билан йўлга чиқди, лекин мақсадга етолмай, хаж йўлида — Шом ва Макка ўртасидаги бир жойда вафот этиб, ўша ерда дафн килинди.

Аскарый Мирзо хам отаси Бобур ва ака-укаларидек истеъдодли эди. Ундан девон колган-колмагани хозиргача номаълум, аммо бир канча тазкирачилар унинг махоратли шоир эканлигини тасдиқлаб, гўзал шеърларидан намуналар келтирганлар. Биз куйида унинг каломидан бир неча мисол келтирамиз:

Эй Аскарый, ар масти мудоми хуш бош,
Вар муътакиди бодаву жоми хуш бош,
Гуфти: ба харобот набошам бе у,
Бо ёр агар дарин мукоми хуш бош.

(Мазмуни: Эй, Аскарый, агар мудом мастсан, хурсанд бўл; Агар бодаю жомга эътиқодинг бўлса, хурсанд бўл. Хароботда усиз бўлмайман, дединг; Агар ёр билан бу муком (макон, жой)да бўлсанг, хурсанд бўл.)

Чунун ки хўй гирифтам ба ошнойи ту,
Халок мекунадам мехнати жудойи ту.

(Мазмуни: Мундоқки, ошнолигингга ўрганганман, Хажринг кайгулари мени ўлдиради.)

Хиндол Мирзо 925(1520) йили Кобулда тугилди. Унинг Хиндол деб номланишига сабаб:

Бобуршоҳ Хинд мулкани тасарруф килиш нияти билан йўлга чикиб, Хиндистоннинг бир неча вилоятларини кўлга киритган чоғда Хиндолнинг таваллудини эшитиб, ирим килиб, унга Хиндол деб ном қўйди.

Хиндол Мирзонинг онаси Дилдор бегим бўлса-да, Мохим бегим кўлида тарбия топгани сабабли, ога-инилар орасидаги низоларда ҳар доим Хумоюн томонида туриб, унга ёрдам берарди. Шу жангларнинг бирида 958(1551) йили Жалолобод шаҳри яқинида Комрон Мирзонинг аскарлари Хумоюннинг ўрдусига тунда хужум қилдилар ва аскарлардан бири Хиндол Мирзони танитай, ҳалок этади. Унинг жасади Кобулга келтирилиб, Боги Бобурда отаси Бобуршоҳнинг оёғи остида дафн этилди.

Хиндол Мирзонинг ҳам забардаст, нозикхаёл шоир эканлигини бир қанча тазкирачилар тавсиф этиб, унинг шеърларидан гўзал намуналарни ўз тазкираларида нақл қилганлар. Қуйидаги намуналар ҳам Хиндол Мирзонинг етук истеъдоди ва маҳоратини исботлай олади:

3-он катраи шабнам ки насими сахари,
Аз абр жудо кунад ба сад жилвагари,
То бар руҳи гул чаконад, эй, рашки пари,
Ҳакко ки хазор бор покизатари.

(Мазмуни: Тонг ели булутдан юз жилва билан ажратиб, гул юзига томизган ўша шабнам томчисидан кўра, эй парилар рашки, ҳақ гап шуки, сен минг бор покизароксан.)

Сарви кади ту моили аҳли, ниёз нест,
Нозест дар сари ту ки дар сарвиноз нест.

(Мазмуни: Сенинг сарв каддинг ниёз аҳлига мойил эмас, сенда шундай ноз борки, хатто сарвинозда ҳам йўқ.)

Гулбадан бегим: Бобурнинг бу фазилатли, билимли кизи Кобулда 932/933(1526/1527) йил атрофида Дилдор бегимдан тугилди, аммо укаси Хиндол Мирзодек Мохим бегим тарбияси остида бўлди. Шу сабабли Хумоюн Мирзога атаб «Хумоюннома»ни ёзди. У тўрт ёшида отасидан абадий айрилган бўлса-да, отасининг тарихчилик истеъдодини мерос олди.

«Хумоюннома» Хумоюннинг подшоҳлиги даврида юз берган воқеаларга багишланади. Шунинг учун 937 — 963(1530 — 1556) йиллар воқеаларини ақс эттириши керак эди, аммо асарнинг кўлёмасидан охириги саҳифалари йўқолгани сабабли Комрон Мирзонинг нобино қилингани воқеасига келиб, тугамай қолган. «Хумоюннома»нинг форсча матни инглизча таржимаси билан А.Бевириж оркали Лондонда ва ўзбекча таржимаси форсча матни билан биргаликда Ўзбекистонда С.Азимжонова томонидан чоп этилган.

«Хумоюннома»нинг бирёклама ёзилгани назарда тутилмаса(унда Хумоюн қанчалик макталган бўлса, Комрон ўшанчалик қораланган), уни ўша даврни ақс эттирувчи энг дақиқ ва мустанад асар деб, тан олиш мумкин. Бу асарнинг жуда ихчамлиги, раво услубда ёзилгани ҳамда фасоҳат ва балогат авжида эканлигини кўплаб тазкирачилар, тарихчи олимлар таъкид этганлар.

Гулбадан бегим узок умр кўрди. 983(1576) йили ҳаж зиёратига мушарраф бўлди, Хумоюн ва Акбардан кўп ҳурматлар кўриб, вафот этганидан кейин жасади Кобулга олиб борилиб, дафн этилди.

Бобур оиласида фарзанд тарбияси

Муаллиф:

26.10.2013 14:34 -

Айтиб ўтганимиздек, Бобуршоҳнинг набиралари ва уларнинг фарзандлари ҳам шеърини истеъдодли Бобуршоҳдан мерос олиб, шеър адабиёт анъаналарини кўрагонийлар оиласида давом эттирдилар. Мисол учун, Комроннинг кизи Гулрухбегим ва ўгли Абулкосим Шавкатий, Акбар, Шох Жаҳон ва унинг завжалари, Аврангзебнинг кизи Зебуннисо бегим, Баходиршоҳ Зафар ва бошқаларнинг номи, асарлари айрим тазкираларда зикр этилган. Демак, Бобуршоҳ нафакат буюк бир империяни, энг шавкатли бир маданий даврни ўз фарзандларига мерос қилиб қолдирмади, балки шоирлик ва тарихчилик истеъдодлини, илмпарварлик ва санъатга қизиқиш каби олий хислатларни ҳам қолдириб, тарихда бобурийлар(кўрагонийлар) номини мангуликка эриштирди.

Доктор Шафика Ёркин